* Уч йилга чўзилган жанжал
* "Чимилдиқ"да: "Дайди қиз" ҳаётми?
* Пушкин ўлимига зомин бўлган хоним
* Қулоғи оғирлар кўп яшашига сабаб...

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 январь Чоршанба. № 7 (144198)

МИЛЛИЙ АВИАСОЗЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГ

Мамлакатимизнинг йирик авиасозлик корхонасида терилган ҳамда Канаданинг «Пратт энд Уитни» компанияси авиадвигатели билан жиҳозланган Ил—114—100 самолёти дастлабки синов парвозидан муваффақиятли ўтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 январь куни С. В. Илюшин номидаги авиакомпания бош конструктори Генрих Новожилов, ушбу авиакомпания бош директори Виктор Ливанов, Давлатлараро Авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина, шунингдек, «Пратт энд Уитни» компаниясининг вице-президенти Жозеф Торкеттини қабул қилди.

— Ҳозирга қадар ҳам ҳаво йўлларида парвозда бўлган ва ўзининг энг маъқул жиҳатларини намойиш эта олган ушбу самолёт бугун бутунлай янги сифат, янгича мазмун-моҳият билан бойиди, — деди Ислом Каримов меҳмонларни қутлар экан.

Ил-114 самолётининг фойдаланиш қўлами жуда кенг бўлиб, у деярли барча даражадаги аэродромлардан, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ўча олади. Бу русумдаги ҳаво учоғига «Пратт энд Уитни» компаниясининг шовқинсиз ҳамда парвоз захираси 8 минг соатни ташкил этувчи двигателлари ўрнатилгач, Йўлбошчимизнинг ибораси билан айтганда, «мазкур самолётларнинг халқаро талабларга жавоб берадиган хислатлари кўпайди ва уларнинг истиқболдаги имкониятлари янада кенгайди».

Учрашув ниҳоясида Давлатлараро Авиация қўмитасининг раиси Татьяна Анодина мамлакатимиз раҳбарига унинг Авиация ва Ҳаво парвозлари бўйича Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланганлигини маълум қилди ва Ислом Каримовга ана шу Академия дипломини топширди.

Меҳмонлар Ислом Каримов халқаро миқёсдаги йирик сиёсатчи, таниқли давлат арбоби эканлиги билан бир қаторда узоқ йиллар мобайнида авиация соҳасини ривожлантиришга қўшиб келаётган самарали ҳиссаси учун МДҲ ҳудудидаги милмонлаб авиасозларнинг ана шундай ишончига сазовор бўлганини эътироф этдилар.

Ўзбекистон бугунги кунда авиасоз давлатлардан бирига айланишида унинг бу жабҳадаги кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари алоҳида ўрин тутади.

Мисол учун, мамлакатимиз 1991 йил декбарида МДҲ давлатлари томонидан тузилган Давлатлараро Авиация қўмитасининг аъзоси ҳисобланади. Республикамизнинг муайян ҳамкорлар билан алоқалари ривожига келсак, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 1995 йилнинг 27 июлида имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, «В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акционерлик жамияти билан С. В. Ильюшин номидаги авиакомпания ва Воронеж авиақурилиш бирлашмаси биргаликда «Ильюшин» трансмиллий саноат-молия гуруҳини тузиш борасида фаолият кўрсатиб келаётир. Айни дамларда икки мамлакат Давлат мулки қўмиталари томонларнинг «Ильюшин» саноат-молия гуруҳининг низом сармояси учун қўшадиган улушлари миқдорини аниқлаштириш билан машғул.

Ўзбекистоннинг авиасозлик жабҳасидаги амалий алоқалари сўнгги йилларда жадал кенгайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Айтайлик, республикамиз авиақурувчилари 1997 йилда — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида биринчи бўлиб, дунёга донги кетган «Боинг» компанияси билан ҳамкорлик ришталарини боғладилар. Худди шу йили «Бритиш Аэроспейс» компанияси билан ҳам ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Орадан бир йил ўтиб, «Даймлер Бенц Аэроспейс» компанияси билан мамлакатимиз мутахассислари ўртасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг самолётлар қисмларини тайёрлаш бўйича ўтказиладиган тендерда иштироки юзасидан мулоқотлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясининг 1998 йил кузида Исроилга ташрифи ҳамда «Исроил авиация саноати» корпорацияси президенти Моше Керетнинг республикамизга сафари чоғида эса ана шу икки мамлакатнинг авиасозлик соҳасидаги алоқаларининг истиқболли дастури белгилаб олинди.

Шунингдек, мамлакатимиз мазкур соҳада Канада билан ҳам яқин муносабатларни йўлга қўяётганлигини «Пратт энд Уитни» компанияси билан ҳамкорлигимизнинг бугунги илк натижалари мисолида кузатиш мумкин.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: *«Пратт энд Уитни» компаниясига 1928 йилда асос солинган. Компания Россия, Польша, Франция, Жанубий Африка каби мамлакатлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган. «Пратт энд Уитни»нинг тасарруфидаги корхоналарда бугунги кунда 9 минг киши ишлайди. Мазкур компания тараққиёт ва тадқиқотлар соҳасига хусусий сармоя киритиш бўйича Канадада иккинчи ўринни эгаллаб турибди.*

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон маъданли ўғитлар илмий тадқиқот институти ходимаси Шоирахон Ибрагимова ўз ишига доим пухта

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 январь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

***

Президент Фармонига мувофиқ Ғофуржон Қодирович Тешаев Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари ни ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинланди.

***

Голландияда ўтаётган шахмат бўйича турнирда иштирок этаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан ҳам куч синашадиган бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 26 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари 111 сўм 18 тийин деб баҳоланди.

***

Фарғона вилоятида яна бир мустақил газета — "Давр" нашр этила бошланди.

"ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР"

Сир эмаски, айрим ўсмирлар тамакига ружу қўйишади. Ана шундай салбий ҳолатларга қарши Ўзбекистон ва "Бритиш Американ Табако" қўшма корхонаси "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" таълим дастурини тажриба тариқасида тадбиқ эта бошлаганидан хабарингиз бор. Ушбу тадбирда "Камолот" жамғармаси ҳам фаол қатнашмоқда. "Камолот"чилардан тайинланган мураббийлар ўсмирларни ўз-ўзини бошқариши, бўш вақтларидан унумли фойдаланиши ва спортга кенгроқ жалб этилишини таъминлашни зиммасига олган.

Ушбу тадбир асосида таълим-тарбия дастури тузилган бўлиб, у ўсмир ёшидаги мактаб ўқувчилари учун қўшимча машғулот сифатида ишлаб чиқилган. Ҳозирда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига қарашли учта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда.

"Чекмасдан ёшлик гаштини сур" лойиҳаси дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Чехия, Малайзия, Таиланд, АҚШда ҳам ўтказилган.

Кашандалик ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги учун зарарли эканидан келиб чиқиб, барча манфаатдор томонлар ушбу уч ойлик умумтаълим курсларини ўтказишда жамғарма фаоллари фаол қатнашишмоқда.

НАЗОКАТ,
ўз мухбиримиз

МАКТАБДАН КИМ ҲАЙДАЛСИН: ЎҚИТУВЧИМИ Ё ЎҚУВЧИ

"Ўғлим Рустамбек Рисбоев 2-гимназиянинг 8 "А"синфини 1997-98 ўқув йилида ўқитувчи Абдураҳмонов Собирнинг турли тазъйиқларидан сиқилиб, 3 та фандан 3 баҳо билан якунлади. 1998-99 ўқув йилининг биринчи куни эса ўғлим мактабдан хафа бўлиб келди. Унга математика, информатика ва геометрия фанларидан (С. Абдураҳмонов дарслари) 3 баҳо олгани учун мактабдан ҳайдалганини айтишибди. Мактаб директори Д. Йўлдошевга учраб, унинг ўқишини ўз синфида давом эттириш учун руҳсат олдик. Мен бир неча бор мактаб директорига Собир Абдураҳмонов ўғлимга нисбатан қўполлик қилаётганини, синфдошлари олдида камситаётганини айтиб, ўқитувчини тартибга чақиришларини сўрадим, натижа бўлмади.

1999 йил 12 январь куни таътилдан сўнг ўқишга борган ўғлимни 9 "А" синф раҳбари Нодирахон мактаб директори ҳузурига олиб борибди. У ерда ўғлимга мактабда бўлган гапларнинг ҳаммасини адангга айтиб бераверасанми, агар бундай қилаверсанг ҳужжатларингни олиб, аввалги ўқиган 26-мактабингга кет ёки 9 "Б" синфга ўтасан, дейишибди. У ердан чиққанларидан сўнг синф раҳбари ўғлимга, бор, 9 "Б"синфда ўқийсан. Энди менинг синфимга кирмагин дебди ва бўлган гапларни адангга айтиб юрмагин, аданг келиб яна ғалва кўтариб юради, дебди. Хуллас, 12 январдан ўғлим кўчада қолди. Унинг мурғак қалбини эшитадиган одам йўқ.

Ҳурматли муҳарририят, зудлик билан ёрдам беришингизни ўтиниб сўрайман. Ўғлим ўқисин ва ўқиши учун зарур муҳит яратилсин. Болага озгина ўқитувчининг меҳри керак, бола эса албатта, ўқишни хоҳлайди, шунинг учун ҳам ҳар қандай оғир бўлмасин мактабга бориб юрибди...

Чирчиқ шаҳри, Хлопковая кўчаси 3-уй, 32-хонадонда яшовчи Абдамбек Рисбоев».

Шу мазмундаги хат бизни Чирчиқ шаҳридаги 2-гимназияга чорлади.

Учрашганимиз илмгоҳ директори Дароп Йўлдошевга мақсадимизни айтдик.

-- Сизларни ҳам безовта қилишибди-да, -деди кулиб Дароп ака. -- Бу масала билан анча жойлардан келишди. Рустамбек бизнинг мактабга келганидан буён ана шунақа жанжаллар. Оилавий келишмовчилик бунга сабаб. Рустамбекни ёмон деб бўлмайди. Лекин отасининг эркалашлари сабаб охирги пайтларда ўзлаштириши пасайиб кетяпти. Мана 2-чоракни 8 фандан 3 баҳо билан якунлади.

Биз бу ерга келишдан олдин ўқитувчилар Рустамбек энг тўпалончи бола, ҳамма айб ўзида, дейишларини кутгандик, аммо...

-- Ўқитувчи Собир Абдураҳмонов эса мактабимизнинг фахри. Чирчиқда унга тенг келадиган математика муаллимини топиш қийин. 27 йилдан буён ўқувчиларга сабоқ бериб келяпти. "Шуҳрат" ордени соҳиби.

Директорнинг бу гапи ҳам Собир Абдураҳмонов ҳақидаги "шубҳа"ларимизга бироз ўзгартириш киритди.

Аммо одил ҳакам ҳисобланган Рустамбек ва унинг синфдошлари билан суҳбатлашдик.

Гимназиянинг 9 "А" синфи аниқ фанларга йўналтирилган экан. Демакки, асосий фанлар ҳисобида ўз-ўзидан математика, геометрия, ЭҲМ туради.

Отабек Исматуллазода, 9 "А" синф ўқувчиси:

-- Собир ака, энг яхши ўқитувчилардан саналади. Бу ерда улардан билимлироқ домлани топиш қийин. Дарсларни яхши тушунтирадилар. Билимлиларни қадрлайдилар.

9 "А" синф ўқувчилари (улар исмларини ёзишимни исташмади):

-- Собир аканинг яхши дарс ўтишлари яхши-ю, аммо бироз қўрс гапирадилар. Баъзида арзимаган нарсани билмасангиз ҳам қизболалигингизга қарамай, синфдошлар олдида ҳақорат қиладилар. Бизни шунақанги қўрқитиб олганларки, ҳатто дарсда чивин учиб ўтса ҳам овози эшитилади.

Рустамбек Рисбоев:

-- Охирги пайтларда математика, информатика, геометрия дарсларида домла мени чиқиб кетишимни талаб қилди. 9 "Б"га бориб ўқи, мен сенга дарс ўтмайман, -дейди.

Директорнинг сўзларидан:

-- Гимназиямизнинг қонун-қоидасига кўра 3 та фандан 3 баҳо олган ўқувчи бошқа мактабда ўқиши керак.

Нодира Зуҳарова, синфбоши:

-- Собир ака уришсалар ҳам кўнгилларида ҳечам гина сақламайдилар. Аблам Рисбоев ўқитувчининг ҳурматини жойига қўймаяпти. Уни ишдан кетказишни истайди. Аммо мен Собир Абдураҳмоновдек ўқитувчини қайта топа олмайман.

9 "А" ўқувчилари фикри:

-- Рустам охирги пайтларда ўқитувчини ҳам менсимагандек бўлиб қолди. Топшириқни бажармаганидан кейин "уч" баҳо эмас, 0 ҳам қўядилар-да. Аммо ҳеч қачон ноҳақ баҳоламайдилар.

Бошқа фан ўқитувчилари Рустамни "ғийбатчи" дея қараяпти. Ҳар бир гапларида кесатишади. Бундай шароитда унга ўқиш ҳам қийин.

Ҳаммаси 7-синфда бошланибди. Шерзод, Рустам, Дилшод меҳнат дарси бўлмаганлиги сабабли бозорга кетишади. Бундан ўша пайтда синф раҳбар бўлган Собир Абдураҳмонов хабар топиб, болаларни чақиради, кейин...

Директорнинг сўзларидан:

-- Собир Абдураҳмонов билан Абдамбек Рисбоев узоқ йиллар Товоқсой қишлоғида қўшни бўлиб яшашган экан. Шунда жанжаллашиб қолишган. Бир неча марта икковини юзлаштирдим. Собир Абдураҳмоновда айб йўқ.

Биз ўша куни Собир акани мактабда учратмадик. Аммо 9 "А" синфнинг ярмидан кўпи унинг тарафида бўлди. Аммо шикоят ёзиб, бизга мурожаат қилган Рустамбекнинг отасига ҳам қарши бирор фикр билдиришмади.

Мактабдан қайтарканмиз, ўйланиб қолдик. Нега энди педагогларнинг (афсуски, Абдамбек ака ҳам ўқитувчи) ўзаро келишмовчилиги учун бир бола сарсон бўлиши керак.

Ўз ҳаққини талаб қилган ота нега ўғлининг 8 фанни "3" баҳога якунлаётганидан ташвишланмайди.

Синф раҳбари, ўз майлича мактабга келиб-кетаётган ўқувчининг нега ҳолидан хабар олмайди. Фан ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг кунданкунга ўзлаштириши пасаяётганидан нега хулоса ясашмаяпти?

Рустамбекнинг гимназияга айлантирилган мактабга имтиҳонсиз қабул қилган мактаб жамоаси-чи? Нега қонунга мувофиқ ишламай, 8 фандан қониқарли баҳоланган ўқувчини бошқа мактабга эмас, бошқа синфга кўчиряпти?

Мактаб ўз номи билан мактаб. У ерда маънавий муҳит бўлиши зарур. 752 нафар ўқувчи таълим олаётган катта бир даргоҳда уч йилдан буён болалаётган муаммони узил-кесил ҳал қилиш қийин эмас-ку. Онангга боротангга бор эмас, неча йиллардан буён синашта бўлган одамлар орасидан ҳақиқатни топмоқ керак.

Лайло КАРИМОВА,
"Туркистон" мухбири

ЖАМҒАРМА ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кенгаш ҳамда Раёсат аъзолари, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Б. Раҳимов ўз аризасига биноан жамғарма раиси вазифасидан озод этилди. Жамғарма тафтиш комиссияси раиси вазифасида ишлаб келган Эркин Боқиев жамғарма раиси этиб сайланди.

/ЎзА/

"ОИЛА -- МУҚАДДАС ДАРГОҲ" МАВЗУИДАГИ ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

"Камолот" жамғармаси бошқаруви "Туркистон" газетасида эълон қилинган "Оила --муқаддас даргоҳ" танлови ғолибларини аниқлади:

Биринчи мукофот Абдураҳим МАХСУМОВга ("Покликка нега хиёнат", "Аламнинг қурбони" мақолалари);

Иккинчи мукофот -- Эрпўлат БАХТга ("Меҳр бера олинг аёлга", "Қилкўприк" мақолалари); Муҳтарама УЛУҒОВАга ("Йигитлар юртнинг кўрки", "Фарзандларимиз оила остонасида", "Ватан ичра мўъжаз ватан" мақолалари);

Учинчи мукофот -- Гулчеҳра ЖАМИЛОВАга ("Мен қандай хижобга кирдим" мақоласи); Муҳайё МИРСАИДОВАга ("Аёлингиз оналикка қодирми?" мақоласи) учун берилди.

Лола ЎРОҚОВА ("Айбсиз айбдорлар" мақоласи), Шоҳ САНАМ («Фарзанд" мақоласи учун) рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

Уйт ва бўй мавзуси

Аллоҳ-таоло Қуръони каримнинг Ал-Исро сураси 32 оятида, ''Вала тақрабуззина'', яъни, ''Зинога яқинлашманглар'' дея амр этган. Зеро, бу оятда зино қилишлик тугул ҳатто унинг йўлига яқинлашмоқликнинг ўзи ҳам гуноҳ эканлиги таъкидланаётир. Учинчи минг йиллик бўсағасида турган ҳар бир замондош зинойи дардлар инсонни ҳалокат жари ёқасига олиб боришини унутмаслиги жоиз.

Зеро, Аллоҳ даргоҳидан қувилаётган пайтда иблис Азозил ''Қасамки, агар Сен мени Қиёмат кунигача тирик қолдирсанг, албатта, мен Одам зурриётини ҳам йўлдан оздириб, ҳалокат йўлларига буриб юборурман, магар озгиналаригина Ҳақ йўлида қолсалар - қолурлар'' дея хитоб айлаганда биринчи галда шаҳвоният йўлини назарда тутган бўлса ажаб эмас. Келинг, қуйида ёшларимизни қизиқтираётган масалаларга имкон қадар тиббий-исломий ёндашсак, улар сирлари билан ўртоқлашсак.

''... Бугунги кунда йигит-қизларимиз орасида ғарбга кўр-кўрона тақлид кучайиб кетди. Айниқса, ''озод муҳаббат'', тарғиботчилари бўлган оврупача ҳаёт тарзининг хавф-таҳдиди ўта кучлидир.

Мен яшайдиган Чирчиқ шаҳрида ҳам қўшмачилик билан шуғулланаётган оилаларни биламан. Уларнинг суд олдида жавоб бераётганлари эса бармоқ билан саноқли, холос...''

Куюнчаклик билан битилган ушбу мактубда кишини ўйга толдирадиган кўп фикрлар мавжуд.

''...Касбим тижоратчи бўлганлиги боис кўп мамлакатларда бўлишимга тўғри келади. Очиғини айтганда, кўплаб ҳамкасбларим, айниқса, Урусияда тижорат баҳона шаҳвоний ҳирсларини қондириш билан машғул бўлганининг гувоҳиман. Келажакда ён-веримизда юрган навқирон дўстимиз дарди бедавога чалинибди, деса ажаблармай қолиш одатий ҳолга айланмасмикин...?''

Албатта, мактуб муаллифининг фикрларидаги жонкуярлик диққатга сазовор. Хўш,

Ўктам Муҳаммад МУРОД, шифокор

ШАЙТОНИЯТ ИСКАНЖАСИДАГИ ШАҲВОНИЯТ...

ҳалокат жарига олиб борувчи ''орттирилган иммун танқислиги синдроми'', яъни СПИД касаллигига юқиш таҳдид-хавфи кўп бўлган гуруҳларга кимлар киради?

— Бачавозлар - СПИД билан касалланган беморларнинг 70 фоиздан зиёдини ташкил этади. Бу касаллик вирусининг айнан тўғри ичакдан юқиш хавфидан огоҳ этилганликдан далолатдир.

— Наркоманлар— қон томирларига умумий ифлос шприц ва игналар ишлатилганлиги боис зарарланадилар. Улар лаҳзалик сархуш дамлар учун ҳаётини қурбон қилувчи ғофиллардир. Зеро, динимиз ҳаром дея таъқиқ этган моддалар фанимиз фикри билан ҳамоҳанг келади.

— Фоҳишалар - яъни ўз тан ва номусини сотувчи кимсаларга бу дард кўпинча ҳамроҳ бўлиши табиий.

— Гўдаклар - бемор оналардан йўлдош орқали ёхуд туғруқ йўлидан ўтишда касалликни ўзига юқтирадилар.

Табиатда ҳар қандай жонзот ҳам жуфти ҳалолга муҳтож этиб яратилган бўлиб, уларнинг жинсий муносабатлари зурриёт пайдо этишдек шарафли бурчни таъминлашга йўналтирилган. Бироқ, жинсий яқинлик бениҳоя лаззатли ҳисларни туйиш билан кечганлиги учун ҳам бу нозик муомала аксарият ҳолларда зурриёт қолдириш мақсадидан ҳоли тарзда ҳам амалга оширилаверади. Зеро, бу интим туйғулар сарчашмаси ҳинд мутафаккирлари таъкидлаб ўтганларидек ''...муҳаббат чўққиси ва мурод-мақсадга етишиш бўлиб, қалб ақлуидрок ва вужуднинг жамланиб лаззат топиши''дан иборат бўлади.

Оқил табиат олий тафаккур соҳиби одамизотни ўзга жонзотлардан фарқли ўлароқ дуч келган кимса билан эмас, балъакс, ўз жуфти ҳалоли висолидангина лаззат топмоқлигини мақбул йўл билган. Охирги пайтларга келиб, ''шаҳват қули'' бўлиб қолган кимсаларда жинсий йўл орқали юқувчи касалликларнинг йигирмадан зиёд хавфли тури аниқланаётганлигига, шунингдек, асримиз вабоси — СПИДнинг даҳшатли қўланкаси атрофни тобора қамраб олаётганлигига асосий сабаб ҳам табиат суйган ушбу қонуниятнинг топталаётганлигидир.

ҲАДИСЛАР

— Ҳаё иймондандир.

— Эр аёлнинг жаннати ва жаҳаннамидир.

— Дунё бир матодир. Дунё матосининг нг хайратлиси эса ишончли, ибодатли ва хлоқли бир аёлдир.

— Аёл авратдур. Бинобарин, у кўчага иқиши билан шайтон уни таъқиб эта бошайди. Аёлнинг Аллоҳ марҳаматига энг қин пайти унинг ичкарида ўтирган пайтидир.

— Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, рамазон рўзасини тутса, номусини иуҳофаза қилса ва эрига итоат қилса, ханнатнинг хоҳлаган эшигидан кирсин.

— Аёллар ёнларида бир маҳрамсиз уч унлик йўлга сафар қилмасинлар.

— Қайси аёл, эри ундан рози ҳолатда ўлса, ханнатга киради.

— Турмуш қурингиз ва жиддий сабаб лмай ажрашманглар. Зеро, бунда арш арзага келади.

— Эрлари рухсат бермагунча, бегона аёллар билан гаплашманг.

— Эр хотинининг ётоғига келмаса ва эри ндан хафа бўлиб ухлаб қолса, фаришта- эрталабгача бу хотинга лаънат айтиб рлар.

Аёлларни фақат чиройи учун никоҳга нг, чиройи уларнинг ахлоқини ёмон- тириши мумкин. Уларга мол-дунёси учун ҳам уйланманг, мол-дунё уларни йўлдан оздириши мумкин. Аёлларга диндорлиги (имонлилиги ва диёнатлилиги) учун уйланинг.

— Эр билан хотин бир-бирларига марҳамату муҳаббат назари билан қарашса, бир-бирларига изҳори муҳаббат қилишса, бутун гуноҳлари бармоқ орларидан тўкилур.

— Ҳеч бир эркак бегона аёл билан ёлғиз хилватда бўлмасин, агар бўладиган бўлса, шайтон уларга ҳамроҳдир.

— Аллоҳ таоло ҳузурида ширкдан кейин ўзининг никоҳида бўлмаган аёл билан зино қилгандан кўра каттароқ гуноҳ йўқдир.

— Қайси бир хотин сабабсиз (жиддий заруpат бўлмасдан) эридан талоқ сўраса, жаннат унга ҳаромдир.

— Фарзандлар жаннат райҳонидирлар.

— Диёнати ва ахлоқи жиҳатдан Сиз рози бўлган киши қизингизни сўраб келса, уни узатинг, агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод кўпаяди.

— Гувоҳсиз ҳолда ўзини эркакларга топширувчи аёл фоҳишадир.

— Жувон аёлнинг амрини (розилигини) олинмагунча уни никоҳ қилинмайди, қиздан эса бу ҳақда рухсат сўралади, унинг рухсати сукут қилишдир.

(''Мусулмон қизнинг дин китоби''дан олинди.)

ШОВҚИНҒА ТИНЧЛИК БЕРМАНГ

Техниканинг жадал ривожланиши шовқиннинг кўпайишига сабаб бўлмоқда, зеро шовқин одамлар соғлигига ёмон таъсир этади... Шу туфайли дунё олимлари шовқин сабабларини тўла ўрганиш, уни камайтириш ва бутунлай бартараф этиш йўллари устида узоқ йиллардан бери изланишлар олиб бормоқдалар...

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, жимжитлик инсонни қўрқувга солади. Табиатда зарарли шовқинлар қаторида соғлиққа фойдали товушлар ҳам бор. Шовқин инсоннинг доимий ҳамроҳи. Субҳидамдаги булбул хониши дилни ром этиб, кайфиятни хушнуд этади. Созанда чертган тор садоси кўнгил чигалларини ёзиб, кишини ширин хаёлларга ғарқ этади. Дунёга янгигина келган чақалоқ "инга-инга" си юракни симобдек эритиб юборади. Жилға мавжи, дарё тўлқини киши кўнглини яйратади, уни ғам-андуҳдан фориғ этади.

Товушлар маълум даражада оромбахш ҳам бўлади. Баъзан шифохоналарда сурункали меъда-ичак хасталикларига чалинган касалларни ёмғир товуши ёзилган магнит тасмасини эшиттириб ухлатиш билан даволайдилар.

Фанда товуш децибелл билан ўлчанади. Бу термин телефон ихтирочиларидан бири Александр Белл номи билан аталади. Товушни қуйидагича ўлчаш мумкин: сокинлик -- 10 децибелл, майсанинг шитирлаши -- 10 децибелл, шивирлаб гаплашиш -- 20 децибелл, юк машинасининг шовқини -- 80-90 децибеллни ташкил этади. Инсон учун йўл қўйиши мумкин бўлган шовқин кучи 80 децибеллдир. Кучи 90 децибеллга етадиган шовқин вақтида одамнинг кўриш қобилияти 25 фоизга камаяди. 130 децибеллик шовқин инсонни касаллантириб, у 150 децибеллга етса умуман кўтара олмайди... Тарихдан маълумки, баъзи мамлакатларда айбдорлар шовқин воситасида, қўнғироқ жаронги остида жазоланган. Узоқ вақт қўнғироқ шовқини таъсирида кишининг асаби ишдан чиқиб, ҳалок бўлган.

XX аср охирига келиб, шовқинни ўрганувчи фан -- аудиалогия пайдо бўлди. У товушнинг органлар функционал ҳолатига бўлган таъсирини ўрганади.

Йирик шаҳарларнинг кўпгина кўчаларида шовқин ўтган XIX аснинг 60-йилларида 60 децибеллни ташкил этган бўлса, ҳозир 100 децибеллдан ошиб кетган. Тадқиқотларда аниқланишича, йирик шаҳарлардаги шовқин йилига ўрта ҳисобда 1 децибеллдан ошиб бормоқда...

Қатор текширишлар шовқиннинг эшитув органига, марказий ҳамда вегетатив нерв системаларига, юрак-қон томирларига ёмон таъсир қилишини кўрсатади.

Шовқин организмга аста-секин таъсир қилади, шу сабабли, унинг ёмон томонини билиш, сезиш ҳам жуда қийин. Доимий шовқин таъсири остида одамнинг қулоғи оғир бўлиб қолади.

Шовқин кўриш органига ҳам маълум таъсир кўрсатади. Оқибатда кишининг аниқ кўриш қобилияти, ёруғликни сезиш, ҳар хил рангларни ажратиш қувватлари сусаяди... Қатор илмий текширишлар шуни тасдиқлаётирки, асаб касалликларининг 70 фоизга яқинига қаттиқ шовқин сабаб бўлади. Маълум бўлишича, ҳатто паст даражадаги шовқин ҳам асаб системасига ёмон таъсир кўрсатар экан. Озоздан йиғилиб борувчи шовқин инсон асабини бузиб, силласини қурита бошлайди. Мотоциклнинг тариллаган овози эмас, ҳатто чумчуқнинг чириллаши ҳам кишини уйғотиб юборадиган бўлиб қолади.

Сурункали равишда давом этувчи шовқин юрак фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, юракни қисқа ва тез-тез урадиган ҳолга келтиради... Мутахассисларнинг олиб борган текширишлари натижасида шовқин корхоналарда, завод ва фабрикаларда ишлаётган ишчи ва хизматчиларда меъда-ичак, гастрит касалликлари бирмунча кўп учраши маълум бўлди.

Ҳамиша шаҳарга интилувчи, ҳавоси мусаффо ва осуда қишлоқдан тараққийлашган гавжум марказни афзал кўрувчи кишиларни австриялик олим Грифит бир оз ўйлантириб қўйди. Унинг таъкидлашича, жўшқин шаҳар шовқини инсон умрини 8-10 йилга эговлаб ташлар экан... Ва яна буни қарангки, шовқинни атиги 1 децибеллга камайтириш меҳнат унумдорлигини 0,3-1,0 фоизга оширар экан...

Хулоса шуки, илм-фанда, тараққиётда жуда катта ютуқларни қўлга киритаётган, яқинлашиб келаётган янги — XXI асрни компьютерлар, замонавий техника асрига айлантиришни кўзлаётган инсон ўз саломатлиги, келажак авлод соғлиги, осуда турмуш тарзи ҳақида жиддийроқ қайғуришни унутмаслиги лозим...

Ҳ. СУВОНОВ тайёрлади

Кўзгу

"Қизлик уй сарой", - деган нақл бор. Дарҳақиқат қай бир хонадонда қиз улғаяётган бўлса, ўша жойдан совчиларнинг кети узилмайди. Қизларнинг орқасидан ота-боболаримиз:

-- Илоҳим, борган жойингда палахмон тошдек ўрнашиб қол, - дея ният қилишиб фотиҳа билан узатадилар.

Ушбуни ёзишимга айрим воқеалар сабаб бўлди. Ш.исмли қиз ўйламай босган қадами, ўз иффати поймол бўлганини йиғлаб ёзибди. "С.исмли йигит орқамдан юрди. Мен ҳам унга кўнгил бердим. Бир куни у мени ётоқхонасига таклиф этди. Дастурхонни аввалдан ясатиб қўйган экан. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирдик. Йигит шампань очди. Мен йигитнинг раъйини қайтармай ичдим. Бирдан азойи баданим қизиб, бошим айланди, ҳолсизландим. Пайтдан фойдаланган йигит менга ёпишди. Қаршилик кўрсатишга ҳолим йўқ эди. Кейин... Бу ёғини ёзишга қўлим бормайди. Йигит чиқиб кетди. Мен ўзимни ўнглаб олай деб турсам, унинг дўсти F. исмли йигит кириб келиб, у ҳам менга ташланди. Ўшанда мен катта айб қилганим, енгилтаклигим туфайли таҳқирланганлигимни тушундим. Шу воқеадан кейин С. ҳам, F. ҳам эртаси кунидан менга худди тупургандек, олдимдан жирканиб ўта бошладилар. Энди мен ким бўлдим? Қандай қилиб ота-онамнинг олдига бораман?.."

Қизгина, ахир жуда ёш эмасдингиз-ки, бу ишларнинг нима билан тугашининг фарқига бормасангиз. Кўнгил кўчаси қурсин, айниқса қиз бола шунчалик ғафлатда қолиши мумкинми? Ақл тарозусини ишга солмай, юр деган жойга ўйламай-нетмай кетаверадими одам.

Хатни ўқидиму, иккала йигитга ҳам нафратим ошди. Ахир ор-номусли, имон, эътиқодли йигитлар шунчалик пасткашликка борадими? Бир бегуноҳ қизни ўйинчоқ қилиб, бахтсиз қилиш катта гуноҳку!

Чуқур ўйга толиб момоларимиз ҳаётини эслайман. Улар оғир, бешафқат ҳаётда ўзларини тутиб, шарқ аёлига хос хислатлар қобиғида яшаб ўтганлар.

Сожида ая катта хонадонга келин бўлиб тушдилар, кўп ўтмай уруш бошланди. Умр йўлдошлари урушга кетди. Айрилиқ кунларининг азоби бошланди. Кўп ўтмай фарзандлик бўлди. Йиғлаб-йиғлаб, алла айтди.

Эссиз, у қайтиб келмади. 16 ёшида Сожида ая бева қолди. Не-не жойлардан сўровчилар чиқди. Кўнгил йўл қўймади. Кўз очиб кўрганини кутиб, умрини ўтказди аёл бечора. Ўғли эсли-хушли, худди отасидек йигит бўлди.

От ўрнини той босгани чин бўлсин, дея тақдирга тан берди. Чунки Сожида аянинг қалбида садоқат, вафо деган муқаддас туйғу бўлган. У барча инсонларга хос. Лекин уни суиистеъмол қилувчилар ҳам бор.

Мукамбар исмли аёл 7 фарзандини ташлаб, бошқа эркак билан қочиб кетибди, - деган гап тарқалди. Одамлар ҳайратдан ёқа ушлашди.

Рустами достондек эри бўла туриб, аёлни бундай нопокликка нима мажбур қилди экан? 4 ўғил, 3 қиз она йўлига мўлтираб қолди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Ўша йигит монтёр экан. Кўп ўтмай симёғочда ток уриб, вафот этибди. Бундайларнинг айбини ер яширади. Ўша йигитнинг ҳам 5 фарзанди бор экан. Улар дастлаб тирик етим, кейин эса ҳақиқий етим бўлиб қолишди.

Сожида ая билан беномус, фарзанд кўр қилгур Мукамбарни таққослайман. Оҳ, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Уларнинг бири фариштa, бири эса шайтонга ўхшайди.

Ярим тунда қўшни маҳалладан бақирган нохуш овоз келди. Қўни-қўшнилар безовта бўлиб, биров эшикдан, биров деразадан қулоқ тутди.

-- Вой, бу Ғайбулланинг овози-ку, эр-хотин яна жанжаллашмоқда. Буларнинг дастидан безор бўлдик, - деб эшик ойналарини ёпиб олишди қўшнилар.

Малоҳат ўта танноз. Бир гапириб, ўн куладиган аёл. Катта дўкони ҳам бор. Шу куни "гап"дан ғирт маст ҳолда қайтибди. Ғайбулла олим одам. Босиқ, серфикр, мулоҳазали йигит уни қуюшқондан чиқиб кетаётганлиги, болалар олдида шарманда бўлаётгани ташвишлантиради. Бир гал Малоҳат унга:

-- Ўргилдим, сендек шалпиллаган эрдан. Ёзган китобларингдан не фойда! - деди.

Дугонаси Соҳибанинг эрига суқланиб: Афзални эр деса бўлади. Келишган, савлатли, топармон-тутармон. Кеча дастурхонида "анқонинг уруғи" ҳам бор деса бўлади. Мен шўрликчи, - деб дод солади.

Маҳаллага бир кекса аёл шикоят қилиб келди.

-- Бу "гап" деганлари жонга тегди. Аёллар ичадиган, чекадиган бўлиб кетишди. Келинимни йўлдан уриб, сафларига қўшибдилар. Ойда 2-3 марта "гап"га бораман деб чиқиб кетади. Ярим кечада гандираклаб келади. Ўғлим эзилиб кетди. Невараларим ҳам беодоб бўлиб, кўчадан бери келмай қўйдилар. Биз ҳам ёшликда йиғилардик, мушоира қилиб, ибратли ҳикоялар тинглар эдик. Келинимнинг айтишича "гап" деганида 10-12 хил таом тортилар эмиш. Бу не ҳол?

Аёл бор жой файзли, тароватли бўлмоғи лозим. Биз дурдона шарқ аёллари бўлмиш Увайсий, Анбар отин, Нодирабегимлар авлодидан эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Шарқ аёлининг нафис қиёфаси, булоқ сувидек мусаффо қалби, ақли, заковати, садоқату вафоси ҳар биримизда намоён бўлмоғи лозим.

Шаффоф тонг отмоқда. Азиз дўстим, биродарларим, ҳаётимиз гули раъноларн -- қизларим, ҳар тонг Сизга фақат эзгулик бахш этсин! Оилангиз фаровон бўлсин! Барчангизга осуда ҳаёт, ҳузур-ҳаловат, бахтли, саодатли кунларни кўриш насиб этсин!

КАДРИНҒНИ БИЛ ҚИЗҒИНА

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори

ҚАЙСИ КЎЗИНГИЗ КАТТА?

Сиз оддийгина гўзаллик тимсоли деб қарайдиган юзда инсон тақдири таъбирномаси ҳақидаги ахборот мужассамлашганидан хабарингиз бўлмоғи керак. Икки кўз руҳиятингиз хусусиятларидан ҳикоя қилади. Маълумки, сайёралардан Қуёш - Руҳни, Ой эса Қалбни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Айнан кўзлар ёрдамида инсоннинг ижодий қобилияти ҳақида, вужудида қандай юрак уриб турганлиги борасида анчагина аниқ хулосага келиш мумкин. Фақат бир жиҳатни, яъни эркакларда ўнг кўз чап кўзга қараганда бирмунча каттароқ, аёлларда эса аксинча, чап кўзга қараганда ўнг кўз хиёл каттароқ бўлишини билиб қўйган яхши. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, яъни, бизнинг вужудимиз иккита -- ўнг ва чап тарафга бўлинади. Ўнг тараф эркакларга хос -- ЯН, яъни Қуёш тараф, чап тараф -- ИНЬ, яъни Ой демакдир.

Агар аёл кишида ўнг кўз каттароқ бўлса, бу унда Қуёш Ойдан кучлироқ эканини англатади. Ўнг кўзи чап кўзидан кичикроқ эркаклар эса хотинидан қўрқувчи эркаклар тоифасига киради.

Баъзан шунақаси ҳам бўладики, йиллар ўтиб, кўз диаметри ўзгаради. Яшалган умр, энг асосийси, у қандай ўтгани хуфия чеҳрамизда акс этади. Агар киши номақбул ишлар қилиб юрган бўлса, 40 ёшга етиб, унинг юзи тундлашиб, нурини йўқотади ва ёвузлик ниқобига айланади. Эркак ўзи адо этиши лозим бўлган ишларни бажармаса, агар у бамайлихотир ўз гарданидаги масалаларни ҳам хотинига юкласа, натижада унинг феъли аёлларга хос хусусиятларни кўпроқ намоён эта бошлайди ва унинг чап кўзи "аёллар кўзи" каби катталаша боради...

Бир хил диаметрдаги кўзлар -- шахсий гармоник жиҳатдан етуклигини, ўз ижодий қобилиятидан тўғри фойдаланаётганини кўрсатади...

ҲУСАН тайёрлади

"ЧИМИЛДИҚ," "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, БЕКТЕМИР, ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

«Туркистон» ҳаритасида

РУМИНИЯда беш кундан бери давом этаётган кончилар намойишлари якунланадиган кўринади. Мамлакат Бош вазири кончилар раҳбарлари билан учрашиб, маълум бир келишувга келди. Кончиларнинг ёпилган иккита конни қайта очиш талаби қондирилди, лекин шу пайтгача уларнинг иш ҳақини ошириш ҳақидаги талабининг натижаси ҳозирча номаълум. Бухарест аҳолиси кончиларнинг пойтахтга қилаётган юришларидан норози. Уларнинг фикрича, кончилар сўнгги вақт ичида маошлари икки марта оширилган ягона табақадир.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон терроризмга қарши курашга қўшимча 2,8 миллиард доллар маблағ ажратилиши ҳақидаги режасини эълон қилди. Лекин бу режа амалга ошиши учун Конгресс уни кўпчилик овоз билан ёқлаб чиқиши зарур. Мазкур режа ҳақида сўзлар экан, Президент Клинтон "тинчлик душманлари анъанавий йўллар билан бизни енга олмагач, бошқа икки янги йўналиш, яъни компьютер тармоқларимизга зарар етказиш ва оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш билан кураш олиб боришга ўтдилар" деб маъруза қилди.

***

Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи дунёда энг кўп католиклар истиқомат қилувчи мамлакат бўлмиш **МЕКСИКА**га ташриф буюрди. Бу Папанинг Мексикага сўнгги 20 йил ичида тўртинчи бор сафар қилишидир. Пойтахт аэропортида 78 яшар табаррук меҳмонни шахсан Президент Эрнесто Зидело кутиб олди. Папа Гваделупадаги черковда маъруза ўқиди.

***

НИКАРАГУАга қарашли АН-26 ҳарбий самолёти қўниш манзилига 6 км қолганда ҳалокатга учраб, чангалзорга қулаб тушди. Самолётдаги барча 28 йўловчи, жумладан 13 офицер ва 15 нафар фуқаро халок бўлди. Мазкур фалокат бўйича текшириш ишлари бошланди, лекин шу нарса маълум бўлдики, самолётга ортиқча юк ортилмаган.

***

Ҳиндистондаги шаҳарлардан бирида 50 йил бурун шаҳарни касалликдан халос этган ҳинд худосига шукроналик маросими бўлиб ўтди. Анъанага кўра мазкур маросимда гуллар билан безатилган хўкиз гавжум тўдага қарата қўйиб юборилади ва фақат бир киши хўкизнинг "гул либосларини" юлиб олиши керак. Бу йил маросим мусобақага айланиб кетди. Ўз мардлигини намойиш этмоқчи бўлганлар омадларини синаб кўрдилар. Лекин хўкиз ҳам эпчилликда одамлардан қолишмади. Унинг ўткир шоҳлари 200 га яқин кишини жароҳатлади.

***

ИСРОИЛ Бош вазири Беньямин Нетаньяху мамлакат мудофаа вазири Исхоқ Мордехайни ўзи бошқараётган Ликуд партиясига муҳолиф бўлган сиёсий партия ва маҳфий режалар тузганликда айблади. Маълум бўлишича, Исхоқ Мордехай ўз лавозимидан озод этилганидан сўнг, шу йилнинг май ойида бош вазир лавозимига бўладиган оммавий сайловдан илгари ўтказилган сайловолди кампаниясига киритиш билан чегараланмай, Миср раҳбари Хусни Муборак билан учрашув ўтказишга тайёргарлик кўраётган экан. Бироқ унинг мақсади ошкор бўлгач, мудофаа вазирининг Мисрга ташрифи бекор қилинди.

***

2002 йилда навбатдаги Олимпия ўйинларини ўтказиш жойи АҚШнинг Солт Лейк Сити шаҳри деб эълон қилинганидан буён, ўйинлар жойини танлашда порахўрликка қўл урган Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари атрофидаги жанжаллар ўз ечимини топганича йўқ. Маълумки улар олган совғалар



қиймати 600 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу иш бўйича тергов кетаётган бир пайтда Солт Лейк Ситида ўйинлар ўтказилиши гумон бўлиб турибди. Қўмитанинг порахўрликда айбланаётган 13 нафар вакили қиймати 115 АҚШ долларидан зиёд совға олганликлари аниқланса, улар ташкилотдан ҳайдалади.

Айни пайтда Австралиянинг Олимпия қўмитаси раҳбари Жон Коуд Африканинг 11 давлатида Олимпия ўйинларининг ўтказилиши учун қўмита аъзолари 1 миллион АҚШ долларига яқин пора олганликлари ҳақида далиллар борлигини маълум қилди. Қўмита вакили Кевин Госпе бунга жавобан Австралия ва Африка давлатлари ўртасида бўлиб ўтган тендер адолатли ўтказилганини айтди.

***

Халқаро Олимпия қўмитасининг порахўрликда гумон қилинаётган яна бир вакили, 61 ёшли ливиялик Муҳаммад Атарабулси ўз хоҳишига кўра истеъфога чиқди. Муҳаммад Атарабулсининг бу ҳатти-ҳаракатини қўмитанинг сешанба куни истеъфога чиққан финляндиялик вакилидан сўнг порахўрликда шубҳаланаётган қолган яна 11 ходимга ўрнак бўлди, деб баҳолаш мумкин. Халқаро Олимпия Қўмитасининг мазкур иш бўйича текширув комиссияси 1996 йилдан 2006 йилгача Олимпия ўйинлари ташкилий қўмиталарига мурожаат этиб, бундай қинғир ишда қўли бор ходимларни аниқлашда ёрдам беришини сўради.

***

ПЕКИНда суяклар хасталиги бўйича халқаро шифокорлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда олимлар шу пайтгача ўз ечимини топмаган инсон скелетидаги суяклари нотўғри ривожланиши масаласини муҳокама этдилар. Маълумки, суякларнинг номаълум сабабларга кўра ўсиб кетиши ёки ривожланмай ҳолиш ҳоллари асосан Хитойнинг тоғли ҳудудларида ҳамда Сибирда яшовчи аҳоли ўртасида кўп учрайди. Конференцияда йиғилган олимларнинг таъкидлашича, бу хасталикдан даволаниш учун бирон-бир дори-дармон йўқ.

ТАШҚИ СИЁСАТ: ДАВЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Бизнинг шарҳ

Мустақил диёримизда ўтаётган ҳар бир кун мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб, сиёсий тузумдан қатъий назар республикамиз манфаатларига мос келадиган ҳамкорлик ришталарини боғлаш давлатимиз ташқи сиёсатининг муҳим шартларидан биридир.

Қувонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизнинг мустақил ривожланишида ўтган қисқа тарихий даврда республиканинг суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ва шарафли ишлар амалга оширилди. Шу маънода далилларга назар ташлайлик. Ҳозирда Ўзбекистонни 170 дан ортиқ давлат расман тан олган. Дунёдаги 130 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Бугун 50 дан ортиқ мамлакатнинг элчихонаси республикамизда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ўз тарихида илк бор 1992 йилнинг 2 мартида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди ва ушбу нуфузли ташкилот фаолиятида мунтазам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Парламентлар Иттифоқига аъзо бўлди, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг якунловчи ҳужжатини имзоладди. Ундан ташқари Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификация қилинди. Юртимиздаги сиёсий барқарорлик пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотлар, ишончли қонуний кафолатлар, бой табиий ресурслари, меҳнат, ақлий ва илмий ишлаб чиқариш салоҳияти етакчи молия ва банк ташкилотларининг, йирик хорижий фирмаларининг эътиборини ўзига тортаётганлиги сир эмас. Шу боис хориж мамлакатлари Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилмоқда. Бугун республикамизда чет эл компания, корпорация ва фирмаларининг 350 та ваколатхоналари иш юритмоқда.

Чет эл сармояларининг умумий ҳажми эса 5 миллиард долларидан ошиб кетди. Республикамиз ташқи савдо айланмаси ҳам тўхтовсиз ўсиб бормоқда, бу миқдор йилига 10 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишда Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини янада чуқурлаштириш мақсадида кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, бу Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганлигидир.

Республикамиз МДҲга аъзо мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпти. Мазкур Ҳамдўстлик доирасида муҳокама қилинаётган барча масалаларда Ўзбекистон ўз қарашлари, собитқадамлиги ва дадиллиги билан ажралиб туради. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан муносабатларимизни янада яхшилашга, чуқурлаштиришга интилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Йил сайин республикамизнинг Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Миср, Исроил ва кўплаб араб мамлакатлари билан алоқалари ривожланмоқда.

Йўлбошчимизнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида жойлашган мамлакатларга қилинган расмий ташрифлари натижаси туфайли Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Вьетнам каби давлатлар билан ўрнатилган алоқаларимиз янада кенгаймоқда.

Бугун республикамизда иш олиб бораётган қўшма корхоналарнинг аксарияти АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Финляндия, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия мамлакатлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Юртимиздаги ислоҳотларнинг қисқа даври мобайнида бозор инфратузилмасининг асосий бўғинлари шакллантирилди. Банк ва молия тизимлари ислоҳ қилинди, суғурта тармоқлари. консалтинг ва аудитор компаниялари ташкил этилди. Технология жиҳатидан мураккаб янги автомобиль, телевидео-радио ускуналар, халқ истеъмоли молларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Барча ислоҳотлар энг эзгу ва хайрли мақсадларга, яъни, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, Ватанимизни тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшишга қаратилгандир. Юрт келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига, уларнинг ўқиш ва ишлашларига мамлакат миқёсида жуда катта эътибор бериляпти. Чунки, юртимизнинг эртанги тараққиёти, ривожи ва истиқболи кўп жиҳатдан бугунги ёшларимизга боғлиқдир. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг қабул қилиниши, соғлиқни сақлаш бўйича бошланган ислоҳотлар мамлакатимизнинг нурли келажагидан дарак беради. Мустақиллик йилларининг ўзидагина 50 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган мактаблар қурилганлиги, хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётганлиги, юзлаб гимназия, коллеж, лицейлар очилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатини олиб борар экан хориж мамлакатлари билан барча соҳаларда бўлгани сингари, таълим-тарбия, илм-фан соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга интилмоқда. Чет эл олимлари бугунги кунда Республика Фанлар академиясининг тармоқ институтлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари олиб бормоқдалар. Бу борада Тошкент Давлат университети, Тошкент Техника университети, Шарқшунослик ва Юридик институтларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Профессор-ўқитувчилар ўртасида ҳамкорлик, талабалар айирбошлаш масалаларига номлари юқорида қайд этилган ўқув юртларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилган ҳаракатлар туфайли Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида ЮНЕСКО кафедраси иш бошлаган. Яқин ойлар ичида эса ТДПУда ҳам ЮНЕСКО кафедраси фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Юртимиздаги "Устоз", "Умид" каби жамғармалар асосан иқтидорли ёшларни қидириб топиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва энг иқтидорли талаба ёшлар ва профессор-ўқитувчиларни танлаб, хорижга ўқиш ва тажриба алмашишга жўнатиш билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги кунда "Умид" жамғармаси тавсияси билан кўплаб истеъдодли ёшларимиз АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Япония каби мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда юртимизда олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, шу озод ва обод диёримизни ривожлантиришга, уни тараққий этган давлатлар қаторига қўшишга, халқимиз турмуш даражасини янада кўтаришга, Ватанимиз истиқболи ва равнақи учун бефарқ бўлмаган, керак бўлса шу юрт келажагининг ёрқинлиги учун жонини ҳам беришга тайёр бўлган ёшларни тарбиялашга қаратилгандир.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсий шарҳловчи



ИККИ "ЮРАК"ЛИ УЛОВ

"Мерседес-Бенц" компанияси А-классига мансуб, икки моторли машина яратди. Унинг 4 цилиндрли битта двигатели олди томонда, иккинчиси орқа томонда - юкхона пастига жойлашган. Уларнинг иккиси ҳам 1,9 литр сиғимли бўлиб, ҳар бири 125 от кучига тенг қувватни таъминлайди.

Энг қизиғи, биринчи двигатель олдинги ғилдиракларни, иккинчиси орқа ғилдиракларни юргизади. Зарурият туғилса, битта двигателда ҳам юриш мумкин. Бунда двигатель ҳар 100 чақирим учун 8,5 - 12,6 литр чамаси бензин сарфлайди.

Спорт автомобиллари ишқибозлари ҳавас қилиши мумкин бўлган яна бир жиҳати -- у соатига 100 километр тезликка ета олиши учун камида 5,7 секунд кифоя қилади. "A190 TWIN" деб номланаётган бу автомашина соатига 230 километр тезликда юриши мумкин.

ЭНГ НУФУЗЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Европадаги "Car of the year" кўригида 1998 йилнинг энг нуфузли автомобиллари аниқланди. Унда 444 очко тўплаган "Ford Focys" биринчи, 279 очкога эга бўлган "Opel Astra" иккинчи, "Pengeot" учинчи, "Audi TT" тўртинчи ва "VOLVO S80" бешинчи ўринни эгаллади.

"LEGANRA"НИ - ЎЗБЕКИСТОНДА БИЛИШАДИ

Кореянинг "ДЭУ" компаниясида тайёрланган "Leganra" ўтган йили апрель ойида юртимизда пайдо бўлган эди. Қисқа вақтда у ўзбекистонлик автоҳаваскорлар кўнглидан жой олди.

Унинг двигатели 115 от кучига эга. 100 километр масофага 9,8 литр бензин сарфлайди. Ёнилғи бакига 65 литр ёқилғи сиғади. Бурилиш радиуси 5,5 метр. Соатига 185 километр тезликда юра олади.

"Leganra" машиналарнинг "бизнес класс" турига мансуб бўлиб, енгил ҳаракат қилади, жуда ҳашаматли. Ҳайдовчи ва йўловчилар учун зарур барча қулайликларга эга. У немис ва японларнинг машҳур автомобилларидан пишиқлиги, хавфсизлиги ва тежамлилиги жиҳатидан асло қолишмайди.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ДЕЙДИКИ...

** Агар хомиладор аёл овқатга тез-тез исириқ ишлатса, туғишида оғриқ бўлмайди.*

** Кўзи ёриш арафасидаги аёл ёғда қовурилган ялпиз истеъмол қилса, белидаги оғриқлар даф бўлади.*

** Нешоби тутилган киши пипратиканнинг ички аъзоларини тановул қилсин. Панжалари билан бирга қайнатилган хўроз ҳам фойда қилади.*

** Саримсоқ хомлигича ейилса, ошқозон қуртини ўлдиради.*

** Асалга омухта қилинган турп ўрни ошқозон касалликларига кор қилади.*

** Истисқодан қутилиш учун қуритилган чигиртка истеъмол қилиш лозим.*

** Агар киши кўнгли айниши дан қийналса, аввалдан шакар сепиб қўйилган ялпиз баргини есин. Ялпиз истеъмол этиш танани балғамдан фориғ қилади.*

** Овқатга тоғ ялпизини кўп ишлатадиган одамнинг ошқозони бакувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди. «Ҳаром қон" кўпайиши, деган дарддан қийналмайди.*



** Наҳорда оч қорнига озгина исириқ ейдиган ҳар бир киши жигар хасталиклари, истисқо, ичак яллиғланиши, қорин дамлаш, балғам ва бавосилдан фориғ юради.*

** Турп, мингбоши, арпабодиён, кашнич уруғларидан уғра қилиб, шўрвага солиб ичган кишига ҳеч қандай касаллик юқмайди.*

** Кимки, наҳорда қайнатиб исириқ тановул қилса, қорин оғриғига даво топади.*

** Агар кишида қабзият бўлса, карафс (селдерей) уруғидан тановул қилсин.*

** Агар кишининг қорни оғриса, турп уруғини сут билан ичиши лозим. Худди шу доривор юздаги сепкилни ҳам кетказади.*

** Исириқ қовурмаси юрак хасталикларига фойдалидир.*

** Юраги хаста кишиларга исириқни туйиб, майда элакдан ўтказиб, қунжут мойи қўшиб ҳар куни уч миқдолдан тановул этиш тавсия қилинади.*

** Агар туйилган сандал истеъмол қилинса, бод, ёнма, юрак ўйноғи йўқолади.*

** Агар қонингиз меъёрига тушишини истасангиз, хурмо, олча ва гулобдан шарбат қилинг, уч кун ҳар наҳор оч қорнига ичинг.*

** Агар оғиздан ширин маза келса -- қон кўпайган, оғиз ачимсиқ бўлса сафро кўпайган, нордон бўлса -- балғам ошган, шўр таъм келса -- савдо кўпайганидир.*

** Анжир еган киши балғамдан халос бўлади.*

** Киши шамоллаб, қаттиқ йўталса, ўрталаблари тоғфи майизни бинафша ёғида қовуриб ейиши лозим.*

** Сурункали йўталга қайнатилган турп сиёнг фойдали бўлади.*

** Анжир сутда қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади.*

** Йўтал қийнаган киши яна турпни асал билан еса ҳам бўлади.*

** Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.*

"ҒИРТ РОСТ" ХАБАРЛАР

Мактаб синф хоналари шунчалар "иссиқки", натижада ўқувчилар "кўйлакчан" дарс ўтишмокда.

***

Ота-оналар мажлисига борган ота, уйга "кайфи чоғ" қайтади.

***

Доскага чиққан ўқувчига дўстлари пичирлаб "ҳеч нарса айтишмади".

***

Қари отахоннинг автобусга чиққанини кўрган ёш йигит "дарров ўрнидан туриб жой берди".

***

Студент барча синовларни "ўз билими билан" топширганини айтиб "мақтанди".

***

Электр токи умуман "ўчмай" қўйганлиги учун шам сотувчилар "банкротга" учрадилар.

***

Хотин кир ювишга эрини "умуман аралаштирмади".

***

Керакли ҳужжатини тайёрлатиш учун идорага келган ишчининг ҳужжати "бир зумда" тайёр бўлди.

***

Омборнинг қоровули ишдан уйга "ҳеч қачон бирор нарса кўтариб келган эмас."

***

Раҳбар берилган совғани "аччиқланиб қайтариб берди."

***

Нафақани олиб келган почта ходими нафақадор отахоннинг "пул берганини" кўриб, ҳайрон бўлди.

***

Боғча мудираси ишдан доим сумкаси "бўм-бўш" қайтади.

***

Боғча ошхонасидан овқатга солиш учун берилган икки бўлак колбаса ва гўштни "ўрганган мушук" ўғирлаб кетди.

***

Чет эл киноларини кўриш мумкин эмасми, билмадим, телевидение ҳам, кинотеатр ҳам фақат "Ўзбекфильм" киноларини "кўйиш билан овора".

***

Биз шундан "хурсандмиз-ки", телевизорни қай пайтда қўйсангиз ҳам, оила аъзоларингиз билан "бемалол" кўришингиз мумкин бўлган фильмлар кўрсатишмокда.

Хуршидбек РЎЗИЕВ

ҚАДРЛИ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИ!

Таҳририятимиз қошида фаолият юритаётган "Шеърият сабоқлари" мактаби ўз фаолиятини давом эттиради. Сиз азизлар билан янги йилнинг илк учрашуви бугун -- 27 январь соат 16.00 да бошланади. Унда сиз ёшларнинг ардоқли шоири Йўлдош Эшбек билан шеърият сирлари ҳақида суҳбатлашишга муяссар бўласиз. Даврамиз барча шеърият ихлосмандлари учун очиқ!

Манзил: Матбуотчилар, 32. 5-қават, 508-хона, «Туркистон» газетаси таҳририяти.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир Лола СОАТОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими —133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 011.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3
Босишга топшириш вақти-21.00

1 2 3 4 5 6
Топширилди-21.15